2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 138 (927), 2023 йил 13 июль, пайшанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

## ЖАҲОН ТУРИЗМ ТАШКИЛОТИ БИЛАН ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 июль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Жаҳон туризм ташкилоти (ЮНВТО) бош котиби Зураб Пололикашвилини қабул қилди.**



БМТ тизимидаги ушбу етакчи соҳавий ташкилот билан Ўзбекистонда замонавий туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва юртимизга туризм йўналишларини оммалаштириш борасида кенг кўламли ҳамкорликни янада илгари суриш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбат аввалида бош котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмалари ва институтлари номидан давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий табриклади, бахт-саодат ва катта муваффақиятлар тилади.

Туризм тармоғининг жорий йилдаги бош халқаро тадбири — октябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлажак ЮНВТО Бош ассамблеясининг 25-сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда замонавий ва қулай туризм инфратузилмасини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга етакчи инвесторлар — таниқли хорижий компания ва брендларни жалб қилиш масаласида амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда халқаро имижни илгари суриш, таълим соҳаси ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасида қўшма чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади, жумладан, ЮНВТО Халқаро академияси ва мавзули офиси ташкил этилади.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АРМАНИСТОН БОШ ВАЗИРИ БИЛАН ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян билан 12 июль куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотида икки томонлама муносабатларни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.**

Арманистон ҳукумати раҳбари мамлакатимиз етакчисини Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан табриклаб, катта муваффақиятлар ва бахт-саодат тилади.

Суҳбатда амалий ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш мақсадида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилиши ҳамда қўшма ишбилармонлик тадбирларини ўтказиш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

**ЎзА**

## ПОКИСТОН БОШ ВАЗИРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**12 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф телефон орқали мулоқот қилдилар.**

Икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Покистон етакчиси давлатимиз раҳбарини бўлиб ўтган Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий қутлаб, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Суҳбат чоғида томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳаларда олий даражада қабул қилинган битим ва келишувлар амалга оширилиши муҳимлигини қайд этдилар.

Мамлакатларимиз етакчи корхоналари кооперациясини ривожлантириш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Трансафғон темир йўлини қуриш лойиҳасини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

**ЎзА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## РЕСПУБЛИКАДА МИЛЛИЙ АСКИЯ ВА ҚИЗИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, шу жумладан, миллий аския ва қизиқчилик санъатини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ва келгуси авлод учун номоддий маданий мерос сифатида етказиш мақсадида:

1. Марғилон шаҳрида Маданият ва туризм вазирлиги тизимида давлат муассасаси шаклида **Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги республика аския ва қизиқчилик санъати маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Марказнинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

аския ва қизиқчилик ижрочилиги йўналишида "**устоз-шогирд" анъаналарини ривожлантириш**, **истеъдодли ёшларни тарбиялаш**, уларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, маданият ва таълим муассасаларида **аския ва қизиқчилик санъати тўгаракларини ташкил этиш**;

ўзбек халқ оғзаки ижодининг аския ва қизиқчилик санъатини сақлаш ва тарғиб этиш бўйича **илмий тадқиқотлар олиб бориш**, бу борада, ижодкорлар, фольклоршунос олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларнинг **ижодий ва илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш**;

аския ва қизиқчилик билан шуғулланувчи ижодкорларга ҳар томонлама кўмаклашиш, **оммавий байрамлар ва маданий тадбирларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш,** мамлакатимизда ва хорижий давлатларда **гастроль фаолиятини амалга ошириш**, фестиваль, кўрик-танлов, ижодий кечалар, аския ва қизиқчилик томошаларини ташкил этиш;

аския ва қизиқчилик санъатининг **пайров, қофия, баҳри-байт, афсона, радиф, айтишув, раббия каби ноёб шаклларини** асраш ва тарғиб этиш, саҳнавий сюжетларини ривожлантириш ҳамда **истеъдодли сўз усталарининг ижод фондини ва махсус адабиётларни яратиш**.

2. Қуйидагилар:

**ҳар йили** сўз усталари ва қизиқчилар ўртасида **"Хуш кайфият" республика кўрик-танлови** ҳамда **аския кечалари;**

аския ва миллий қизиқчилик санъатимизни жаҳон миқёсида тарғиб қилиш мақсадида **ҳар икки йилда бир марта** "**Табассум" халқаро кулги фестивали;**

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## "ХИВА — 2024 ЙИЛДА ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ" ХАЛҚАРО ТАДБИРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Хива шаҳри 2024 йилда "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда Хива шаҳрининг туристик салоҳиятини халқаро майдонда фаол тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2022 йил 27-29 июнь кунлари Боку шаҳрида (Озарбайжон Республикаси) бўлиб ўтган Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XI сессиясида **Хива шаҳри 2024 йилда "Ислом дунёсининг туризм пойтахти" деб эълон қилинганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

"Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" халқаро тадбирига (кейинги ўринларда — халқаро тадбир) тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — ташкилий қўмита) **таркиби 1-иловага** мувофиқ;

"Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" халқаро тадбирига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича **чора-тадбирлар режаси** (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар режаси) **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) **2024 йил март ойида** "Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" шиори остида Хива шаҳрида халқаро тадбирнинг **расмий очилиш маросими** ҳамда **май ойида** Хива шаҳрида **Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар туризм вазирларининг XII сессияси** ўтказилади;

б) ушбу халқаро тадбирга Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлардан иштирокчилар ва экспертлар жалб қилинади, халқаро тадбир оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилади;

в) Хива шаҳрининг туристик салоҳиятини халқаро майдонда фаол тарғиб қилиш мақсадида 2023-2024 йилларда қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

"**Taste of Uzbekistan Festival**" шиори остида **гастрономик фестиваль**;

Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишланган **"Strongmen" халқаро баҳодирлар ўйини мусобақаси**;

"**Халқаро зиёрат туризми ҳафталиги**" доирасидаги тадбирлар;

г) масъул вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар, шунингдек, ташкилий қўмитанинг тезкор кўрсатмаларини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

4. **Ташкилий қўмита** (А.Арипов):

чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича масъул давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб борсин;

Давоми 2-бетда

**ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ**

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИГА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ

**ХИТОЙ ЭКСПЕРТЛАРИ 9 ИЮЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

**Цзинь ЧЖЭ,
Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти директори ўринбосари:**

— Ўзбекистон фуқаролари муддатидан илгари Президент сайловида фаол иштирок этдилар. Бу Ўзбекистон халқи ўз мамлакатининг келажакдаги тараққиётига комил ишонч билан қарашидан далолат беради.

Давоми 2-бетда

**БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ**

## ИЖТИМОИЙ МЎЛЖАЛ ВА МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ МАСАЛАЛАРИ

*(Биринчи мақола)*

**Аксиома гап: инсон доимо мукаммалликка интилади. Ҳар қандай ақлли одам баъзан имкониятлари даражасида, айрим ҳолларда эса ўз куч-қудрати, билим савиясини эътиборга олмаган ҳолда олдига катта ва кичик мақсадлар қўяди, улуғвор режалар тузади. Бундай мақсад ва режалар амалга ошганда — қувонади, бу борада муваффақиятсизликка учраганда эса — қайғуради. Буларнинг сабаби айрим ҳолларда объектив, холис баҳоланади, баъзан эса ўз омадсизлигини бошқаларнинг, жамиятнинг адолатсизлигидан қидиради.**



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# РЕСПУБЛИКАДА МИЛЛИЙ АСКИЯ ВА ҚИЗИҚЧИЛИК САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**ҳар йили** аския ва қизиқчилар жамоаларининг **маҳаллий гастроль сафарлари**;

республикадаги **маданият марказлари**, **маданият ва санъат йўналишидаги таълим ташкилотларида аския ва қизиқчилик санъати тўгараклари ва ижодий жамоалари** ҳамда уларнинг жамоатчилик учун **ҳар йили** ҳисобот концертлари ташкил этилсин.

3. Аския ва қизиқчилик санъати билан шуғулланувчи ижодий жамоалар ва ёзувчи-драматурглар томонидан биргаликда яратилган ҳажвий асарларни саҳналаштириш, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва аҳолига хуш кайфият улашишга қаратилган концерт-томоша тадбирларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

**ҳар йили камида 3 та илмий-тадқиқот ишларига давлат буюртмасини** танловлар асосида шакллантириш;

**ҳар йили камида 5 та саҳнада намойиш этишга мўлжалланган ҳажвий асар** учун **давлат буюртмасини бериш;**

ижодий танлов асосида эркин ижодкор ва жамоалар томонидан **ҳар йили камида 10 та концерт-томоша тадбири ва аския кечаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни** қоплаб бериш;

**ҳар йили камида 25 та** юксак бадиий савиядаги Интернет ва ижтимоий тармоқлар учун мўлжалланган аудиовизуал асарлар яратиш учун **давлат буюртмасини бериш**, бунда **энг кенг оммалашган 5 та аудиовизуал асар** ижодкорларини Маданият ва туризм вазирлиги ҳайъатининг қарори билан базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти** билан тақдирлаш белгилансин.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошисида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар давлат илмий дастурлари доирасида ажратилган маблағлар ҳисобидан, учинчи — бешинчи хатбошиларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва туризм вазирлигига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Қуйидагилар:

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги республика аския ва қизиқчилик санъати марказининг **Васийлик кенгаши таркиби** 1-иловага мувофиқ;

Аския ва қизиқчилик санъати соҳасидаги таниқли ижодкорлар томонидан ташкил этилаётган **маҳорат мактаблари рўйхати** 2-иловага мувофиқ;

Аския ва қизиқчилар жамоаларининг 2023-2024 йилларга мўлжалланган **маҳаллий гастроль сафарлари** режаси 3-иловага мувофиқ;

Аския ва қизиқчилар жамоаларининг 2023-2024 йилларга мўлжалланган **корхона ва ташкилотларга гастроль сафарлари**ни ташкил этиш режаси 4-иловага мувофиқ;

Республикада аския ва қизиқчилик санъатини ривожлантириш ва **илмий-ўрганиш** ҳамда **тарғиб этишни** қўллаб-қувватлаш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган **"йўл харитаси"** 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат органлари, муассасалари ва корхоналари ҳар чоракда камида бир маротаба бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг маданий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ташкил этиш, шунингдек, концерт, цирк ва театрларга, **аския, қизиқчилик ва сўз санъати томошаларига** кириш учун чипта ва абонементларни харид қилиш амалиётини йўлга қўйсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ортиқов), хўжалик жамиятлари муассиси бўлган бошқа давлат органлари бир ой муддатда устав фондида (капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат корхоналарининг бошқарув органлари йиғилишларида ушбу ташкилотлар буюртмаси асосида **ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун** оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш вазифасини **бизнес-режага киритиш бўйича ташаббус билан чиқсин**.

Маданият ва туризм вазирлиги (О.Назарбеков) ҳар ойнинг 25-санасига қадар келгуси ойда ташкил этиладиган оммавий-маданий ва концерт-томоша, шу жумладан, **аския ва қизиқчилик томошалари** ҳақида давлат бошқаруви органлари, муассасалари, корхоналари ва хўжалик жамиятларини хабардор қилиб борсин.

6. Белгилансинки:

аския ва қизиқчилик санъати соҳасида таниқли ижодкорларнинг **маҳорат мактаблари** фаолияти йўлга қўйилади;

ушбу қарорда белгиланган тартибда ўзининг маҳорат мактабини яратган ижодкорлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан асосий иш жойи орқали ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг **5 баравари** миқдорида қўшимча рағбатлантириб борилади;

маҳорат мактабларига улар фаолият юритадиган муассасанинг объектларидан текин фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, уларга ушбу муассаса томонидан алоҳида хона ажратилади ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратилади.

7. Марказнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ижодкорлари ижтимоий шароитини яхшилаш мақсадида:

**Фарғона вилояти ҳокимлиги** томонидан Марказни сақлаш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий бюджетдан 2023 йилда **2,3 миллиард сўм**, 2024 йилдан бошлаб эса Марказ талабномаси асосида зарур маблағлар ажратилади;

"Ўзбектелеком" АКнинг доимий равишда ҳомийлик ёрдами кўрсатишни назарда тутувчи "**Дўстлар клуби**"ни ташкил этиш ҳамда 2023 йил учун **5 миллиард сўм** ҳомийлик хайрияси ҳамда келгуси йилларда ҳам ҳомийлик хайриялари ажратиб бориш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

Марказ Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 470 а-уй манзилида жойлашган Марғилон маданият маркази биносига текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

8. **Маданият ва туризм вазирлиги** (О. Назарбеков)**:**

а) **икки ой муддатда:**

Марказ устави ва тузилмасини тасдиқласин ҳамда унинг самарали фаолият олиб боришини йўлга қўйсин, шунингдек, давлат маданият ташкилотлари штат бирликларининг сонини мақбуллаштириш ҳисобига Марказга **12 та штат бирлиги** ажратилишини таъминласин;

ижодий жамоалар ва ёзувчи-драматурглар томонидан биргаликда яратилган ҳажвий асарларни саҳналаштириш учун **давлат буюртмаларини бериш** ҳамда ушбу қарорнинг 6-бандида назарда тутилган маҳорат мактаблари фаолияти **натижадорлигини баҳолаш** тартибларини тасдиқласин;

б) Фанлар академияси (Б.Юлдашев), Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (А.Икрамов), Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.Хожиматов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбирларни юқори савияда ўтказиб борсин.

Бунда, ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбирларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва туризм вазирлигига ажратилган Давлат бюджети ҳамда тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тенг улушда қопланади;

в) Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Ҳ.Умарова) ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (И.Абдурахмонов) билан биргаликда:

**2024/2025 ўқув йилидан бошлаб** Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи ҳамда Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабида **"аския ва қизиқчилик санъати"** йўналиши очилишини ташкил қилсин, шунингдек, уларни ушбу йўналишлар бўйича юқори малакали педагог кадрлар билан тўлдиришни таъминласин;

"**аския ва қизиқчилик санъати**" йўналиши бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

г) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда аския ва қизиқчилик санъатига доир тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш ишлари алоҳида ишлаб чиқилган **медиа-режа асосида** мунтазам ташкил этилишини таъминласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият ва туризм вазири О.А.Назарбеков белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси О.Қ.Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# "ХИВА — 2024 ЙИЛДА ИСЛОМ ДУНЁСИНИНГ ТУРИЗМ ПОЙТАХТИ" ХАЛҚАРО ТАДБИРИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

халқаро тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда юзага келадиган ташкилий масалаларни тезкорлик билан ҳал этсин;

Хива шаҳрида халқаро тадбир ўтказиладиган жойларнинг техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозланишини таъминласин;

Хоразм вилояти, шу жумладан, Хива шаҳрида ўтказиладиган қабул, маданий тадбирлар ва хорижий меҳмонларнинг саёҳатини ташкиллаштирсин;

халқаро тадбирда қатнашувчиларнинг Ўзбекистонга келиб-кетиши, уларга виза расмийлаштирилиши, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш масалаларини мувофиқлаштирсин;

халқаро тадбир бўлиб ўтадиган ҳудудларни ободонлаштириш ишлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминласин;

халқаро тадбир бўлиб ўтадиган ҳудудларда объектлар ва меҳмонхона фондининг тайёрлигини таъминласин;

зарур ҳолларда, халқаро тадбирни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ тезкор қарорлар қабул қилсин.

5. Маданият ва туризм вазирлиги:

а) **бир ой муддатда** "Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" халқаро тадбири логотипини ишлаб чиқсин;

б) **икки ой муддатда**:

Фанлар академияси, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Хоразм Маъмун академияси билан биргаликда халқаро тадбирга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонлар фойдаланиши учун Хива шаҳри ҳақида ўзбек, рус, инглиз, араб ва француз тилларида қўлланма ишлаб чиқиб, чоп этилишини;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Маданий мерос агентлиги билан биргаликда Хива шаҳрининг туризм ва маданий мерос объектлари, ислом дунёси ва илм-фаннинг ривожланишида тутган ўрни ва тарихи, маданияти, яшаш тарзини акс эттирувчи фото- ва видеоматериаллар ("Guidebook") тайёрланишини таъминласин;

в) Ташқи ишлар вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда:

халқаро тадбирга тайёргарлик кўриш ва унинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш мақсадида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котибияти билан ҳамкорликда ишни ташкил этсин;

2023-2024 йилларда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғида "Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" шиори остида кенг тарғибот акциясини амалга ошириш чораларини кўрсин;

2023-2024 йилларда Ислом ҳамкорлик ташкилоти томонидан ташкил этиладиган халқаро тадбирлар ҳамда республикада ўтказиладиган туризм йўналишидаги кўргазма ва конференцияларда "Хива — 2024 йилда ислом дунёсининг туризм пойтахти" шиори остида тарғибот ишларини амалга оширсин;

2023 йил октябрь ойида Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туристик ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерларни жалб қилган ҳолда Хоразм вилояти бўйлаб инфотур ташкил қилсин.

6. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган халқаро тадбир доирасида:

а) Маданият ва туризм вазирлиги томонидан Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қуйидаги харажатлар қопланади:

халқаро тадбирнинг хорижий иштирокчиларини Тошкент шаҳридаги аэропорт ва вокзалда кутиб олиш ҳамда кузатиш, уларнинг республика ҳудудида ҳаракатланиши учун автобус, авиа ва темир йўл чипталарини харид қилиш;

халқаро тадбир доирасида хорижий (инглиз, араб, француз) тилларда синхрон таржимонлар иштирокини таъминлаш;

халқаро тадбирни хорижий оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш;

халқаро тадбир учун тарғибот материаллари (видеороликлар, тарқатма материаллар, китоблар ва бошқалар) ни ишлаб чиқиш ва чоп этиш;

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби, Бош котибият ходимлари ва экспертлари, фахрий меҳмонларнинг мамлакатга келиб-кетиши;

халқаро тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа тадбирларни ўтказиш;

б) Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатлар қопланади:

халқаро тадбир ўтказиладиган ва диққатга сазовор жойларни ободонлаштириш ҳамда тадбир ўтказиш учун тайёр ҳолга келтириш;

хорижий иштирокчилар учун эсдалик совғалари (сувенирлар, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ва бошқалар)ни ажратиш;

аэропорт ва темир йўл вокзалларида ҳамда марказий кўчалар бўйлаб ўрнатилган баннерлар ва LED мониторларда халқаро тадбирни кенг ёритиш;

иштирокчиларнинг тадбирлар дастури доирасида диққатга сазовор жойларга ташрифларини ташкиллаштириш;

хорижий иштирокчилар, уларга бириктирилган гид-таржимон ҳамда волонтёр кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари учун тушлик ва кечки овқатни ташкиллаштириш ва Хоразм вилояти бўйлаб ҳаракатланиши учун транспорт воситалари билан таъминлаш;

хорижий иштирокчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг Хоразм вилоятидаги меҳмонхоналарда яшаши билан боғлиқ харажатлар.

7. Хоразм вилояти ҳокимлиги хорижий иштирокчиларни аэропорт (вокзал) да кутиб олиш ва кузатиш ҳамда халқаро тадбир дастури асосида уларнинг ҳаракатланиши учун транспорт воситаларини ажратсин.

8. Ташқи ишлар вазирлиги Маданият ва туризм вазирлигининг виза талабномаларига биноан халқаро тадбирда иштирок этадиган чет эллик иштирокчиларга Ўзбекистон Республикасига кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан, зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси халқаро аэропортларида расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ички ишлар вазирлиги:

Миллий гвардия билан биргаликда халқаро тадбир ўтказиладиган ҳудудларда иштирокчи ва меҳмонлар тўпланадиган жойларда, меҳмонхоналарда ҳамда уларнинг атрофида жамоат тартибини сақлаш;

тадбирларга ташриф буюрадиган делегация аъзолари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ ҳамроҳлик қилиш чораларини кўрсин.

10. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги халқаро тадбир ўтказиладиган объектлар ҳамда уларнинг атрофида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкиллаштирсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тадбирлар ўтказиладиган жойларда тез тиббий ёрдам бригадалари фаолияти ташкил этилишини таъминлаш, тадбирлар ўтказиладиган жойларда соғлиқни сақлаш ҳамда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига амал қилиниши бўйича зарур чоралар кўрсин.

12. Рақамли технологиялар вазирлиги Маданият ва туризм вазирлигининг мурожаатига асосан халқаро тадбир ўтказиладиган конференция ва кўргазма заллари, матбуот хоналарини белгиланган тартибда зарур техника воситалари, синхрон таржима жиҳозлари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан таъминласин.

13. Маданият ва туризм вазирлигининг талабномасига асосан қуйидагиларга:

"Uzbekistan Airways" АЖга хорижий иштирокчилар учун халқаро ва маҳаллий рейсларга авиачипталарнинг банд қилинишини таъминлаш;

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖга хорижий иштирокчилар учун қатновдаги поездларнинг барча турларига темир йўл чипталари захирасини яратиш ва расмийлаштириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маданият ва туризм вазири О.А.Назарбеков ҳамда Хоразм вилояти ҳокими Ж.Р.Рахимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 12 июль

## ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ МАМЛАКАТИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИГА КОМИЛ ИШОНЧ БИЛАН ҚАРАЙДИ

## ХИТОЙ ЭКСПЕРТЛАРИ 9 ИЮЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда



Ўзбекистонликларнинг аксарияти амалдаги давлат раҳбари Шавкат Мирзиёевга овоз бергани унинг ислоҳотлар ва очиқлик сиёсати кенг қўллаб-қувватланаётганини тасдиқлайди. Ўзбекистон раҳбари 2016 йилда Президент лавозимига келган пайтдан эътиборан бошланган кенг кўламли трансформация дастурини амалга оширишда давом этмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиши кафолатидир. Ўзбек халқининг фаровонлиги тобора яхшиланиб, мамлакатнинг келажакдаги тараққиёти янада ёрқин ва жадал бўлади, деб ишонч билдириш учун барча асослар мавжуд.



**Ли ЮНЦЮАНЬ,**
**ХХР Давлат кенгаши Ижтимоий ривожланиш маркази ҳузуридаги Евроосиё ижтимоий ривожланиш тадқиқотлари институти директори:**

— 9 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатда апрель ойида ўтказилган конституциявий референдумнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Ушбу тадбирлар Янги Ўзбекистон стратегиясини ҳаётга янада изчил татбиқ қилиш учун муҳим институционал асос ва кафолат яратгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистон стратегияси, бир томондан, мамлакатда сўнгги йилларда кечаётган ислоҳотлар натижаси бўлган муваффақиятлар асосида, иккинчи томондан, дунёда юз бераётган геосиёсий воқеалар ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. Янги Ўзбекистон стратегиясини синчковлик билан ўрганиб, ишонч билан айта оламанки, унинг амалга оширилиши халқнинг ҳаёти ва фаровонлигини ошириш учун янги шарт-шароитларни яратиш асносида давлат ва жамиятни мустаҳкамлашга хизмат қилади.



**Чжан ЦИНЬ,**
**Хитойдаги "Shanghai Art Fair International Exhibition" компанияси президенти:**

— 9 июль куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Кузатувчи сифатида сайлов ўтказилишига миллий сайлов қонунчилиги ҳамда халқаро демократия андозаларига мувофиқ равишда ҳар томонлама ва пухта тайёргарлик кўрилганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

Сайлов очиқлик, ошкоралик ва тенглик каби демократия меъёрлари асосида ўтганини ҳам таъкидлаш лозим. Президентликка сиёсий партиялардан илгари сурилган ҳар бир номзодга бир хил имконият ва шароитлар яратиб берилди.

Сайлов участкаларида сайловчилар овоз бериш ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиши учун барча шароитлар муҳайё эди. Овоз бериш жараёни сайлов қонунчилиги меъёрлари бузилмаган ҳолда ўтказилди.

Ўзбек халқи бу жараёнда катта фаоллик кўрсатгани ҳолда эртанги кунга, ўз мамлакатининг тақдирига бефарқ эмаслигини намоён қилгани менда катта таассурот қолдирди.



**У БИХУ,**
**Пекин университети профессори:**

— Аввало, Ўзбекистон халқини Президент сайлови муваффақиятли ўтгани билан табриклайман.

2023 йил Ўзбекистон учун муҳим жараёнлар йили сифатида тарихда қолди, десак муболаға бўлмайди. Мамлакат Конституцияси 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда янгиланди. Ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 9 июль куни муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Мамлакатда ҳаётий ислоҳотлар муваффақиятли ўтаётгани қувонарли ҳолдир.

Ўзбекистон ривожланиш ва модернизация йўлидан бормоқда. Барча соҳаларда жиддий ислоҳот ва янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бунинг замирида, шубҳасиз, халқ фаровонлиги ва мамлакатнинг гуллаб-яшнаши мақсади ётади.

Ўзбекистон бундан буён ҳам ривожланиб, гуллаб-яшнашини истаймиз. Биз мамлакатингиздаги ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватлаймиз ва бу борада ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрмиз.

Бугун биз кўп қиррали Ўзбекистон — Хитой муносабатлари жадал ва ҳар томонлама ривожланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Ўзбекистоннинг хитойлик инвесторлар учун сармоявий жозибадорлиги кучайиб бормоқда. Бугунги кунда ҳамкорликда амалга оширилаётган ўзаро манфаатли лойиҳалар ҳажми ҳам ортиб бормоқда.

Ўзбекистон ўз олдига қўйган барча юксак мақсадларга эришишига тилакдошман.

**"Дунё" АА**
*Пекин*

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

# ИЖТИМОИЙ МЎЛЖАЛ ВА МАЪНАВИЙ ИДЕАЛ МАСАЛАЛАРИ

*(Биринчи мақола)*



**Абдухалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Шу маънода, ҳар бир инсоннинг мақсад-муддаоси муваффақияти кўплаб омилларга боғлиқ. **Агар шахс ўз олдига қўйган мақсад ва мўлжаллари бир томондан реал воқелик, ижтимоий муҳитни эътиборга олган тарзда белгиланса, бўлак тарафдан, улар жамият томонидан танланган, умуммиллий ва умумдавлат манфаатларига мос келадиган стратегик мақсадларга мутаносиб бўлса, яна бошқа томондан, бундай индивид ўз олдига қўйган мақсад ва режаларини ўз имконияти, билим савияси, куч-қудратини назарда тутган ҳолда белгиласа, шубҳасиз, у муваффақиятга эришади.** Демак, шахсий, жамият ҳамда давлат манфаатларининг ўзаро уйғунлиги ҳар қандай ютуққа эришишимизнинг бош омили ҳисобланади.

Энди асл мақсадга ўтсак. Инсоният тарихининг қайси даврини олиб кўрмайлик, барча босқичларда ҳар бир сиёсий элита, ижтимоий тузум, маънавий-маърифий оқим ўз мақсадларини эълон қилади ва шу асосда фаолият олиб боради. Ана шу фаолият тури **ижтимоий мўлжал** номи билан ҳам аталади. Бугун янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида юртимизда содир бўлаётган ислоҳотлар, улар натижасида қўлга киритилаётган янгиликлар асносида ижтимоий мўлжал феномени хусусида айрим фикр-мулоҳазаларни айтишни лозим топдик.

**Биринчидан,** жамият ва давлат тараққиётининг бугунги босқичида ўз олдимизга кўлами, мазмун-моҳияти, фалсафаси нуқтаи назаридан мутлақо янги вазифаларни қўйдик. Буларнинг бари "Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари", деб номланган феномен ҳодисада жам бўлган. Президентимиз ушбу масала хусусида тўхталиб, **"ҳар қандай ҳодиса, тушунча ёки атаманинг ўзига хос шаклланиш жараёни бор. Янги Ўзбекистон феномени ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу тушунча мамлакатимизнинг замонавий маънавий қиёфасини шакллантириш, юртимизда демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислоҳотларимизнинг таянч ғоясини ифода этади"**, дейди.

Демак, бугунги Ўзбекистоннинг ижтимоий мўлжали халқимиз орзу қилган янги Ўзбекистонни барпо этиш, миллий тараққиётнинг янги даврида "Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ", деган эзгу ғоянинг тантанасига амалда эришиш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат ижтимоий ҳодисадир. **Бундай ижтимоий ҳодиса, шубҳасиз, халқимизни асрлар давомида орзу қилган иқтисодий фаровонлик, ижтимоий-маънавий барқарорлик, сиёсий-мафкуравий етуклик, миллатлараро ҳамжиҳатликка олиб чиқади.**

**Иккинчидан,** биз бугун орзу қилаётган ижтимоий мўлжал барпо этишимиз лозим бўлган, миллий давлатчилигимиз тарихида мутлақо янги ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий қиёфа билан чамбарчас уйғунлашиб кетгани билан ажралиб туради. Бу ерда гап биз энди қуришимиз керак бўлган янги давлатнинг қиёфаси хусусида кетмоқда. Яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямизнинг биринчи моддасида **"Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат"** экани алоҳида қайд этилди.

Шу аснода янги таҳрирдаги Бош қонунимизда барпо этишимиз лозим бўлган давлатнинг "Ижтимоий" ва "Дунёвий" мазмун касб этиши ҳам жамият ижтимоий мўлжали билан узвий ҳамоҳанглигидан дарак беради.

**Учинчидан,** бугун биз танлаган жамият ижтимоий мўлжали фақат сиёсий элитанинг хоҳиш-иродаси билангина белгиланган эмас. **Ҳеч шубҳасиз, ижтимоий мўлжалимиз бугунги Ўзбекистон сиёсий раҳбариятининг кучли сиёсий иродаси, чуқур ўйланган, илмий жиҳатдан асосланган, методологик — концептуал жиҳатдан пишиқ назарий хулосалар асосида белгиланган.**

Аммо танланган ижтимоий мўлжалимизнинг ҳаётийлиги, реаллиги яна бошқа бир омил — халқимиз манфаатларига муштараклиги билан ҳам изоҳланади. **Сиёсий элита томонидан танланган ижтимоий мўлжал халқ, жамият аъзоларининг манфаатлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари билан уйғунлашмас экан, бундай ижтимоий феномен ҳодисанинг ижобий натижасини кутиш амри маҳол.**

Айни пайтда ижтимоий мўлжал мазкур жамиятнинг фақат сиёсий-мафкуравий мақсадларидан иборат бўлса ва у халқ манфаатлари, эҳтиёжлари билан уйғун бўлмаса, ушбу феномен ҳодиса ўз ҳаётийлигини йўқотади, келажаги бўлмайди.

Келинг, яхшиси, ушбу фикрларимизнинг исботи учун яқин тарихдан айрим мисолларни ёдга олайлик. 74 йил давом этган совет мустабид тузуми даврида ҳукмрон сиёсий раҳбарият ўз олдига фақат ғоявий-мафкуравий режаларни амалга оширишдан иборат ижтимоий мўлжални сунъий равишда аҳоли онгига сингдиришга ҳаракат қилди. Бундай мўлжал совет давлатининг жаҳондаги "Энг адолатли мамлакат" ҳамда камбағалпарвар давлат экани тўғрисидаги сохта ғоя билан асосланди.

Бошқача айтганда, **совет давлати аҳоли манфаатларига мутлақо тўғри келмайдиган ижтимоий мўлжални танлади.** Бунинг натижасида расман эълон қилинган ижтимоий мўлжални амалга оширишга тўсиқ бўлаётган жараёнларни даф этиш мақсадида қатағон сиёсати ўйлаб топилди, миллий қадриятларга қарши ҳужум бошланди, асрлар давомида шаклланиб келган буюк давлатчилик тарихимиз бузиб кўрсатилди.

Ўша давр ижтимоий мўлжалини амалга ошириш баҳонасида собиқ совет республикаларида, айниқса, Ўзбекистонда иқтисодиётни бир томонлама ривожлантиришга урғу берилди. Бу эса бугун ҳам ўзининг аччиқ меваларини бераётган пахта яккаҳокимлигини шакллантирди. Совет давлати танлаган ижтимоий мўлжал туфайли камбағалликни улуғлаган ҳолда бой давлат қуришга ҳаракат қилинди. **Совет мафкурасига асосланган ўша даврнинг ижтимоий мўлжали мамлакатни жаҳон ҳамжамиятидан ажратиб ташлади, Ўзбекистон эса бошқа мамлакатлар учун ёпиқ жамиятга айланди.**

Биз юқорида жамият ижтимоий мўлжалини танлаш осон иш эмаслигини қайд этган эдик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Миллий мустақиллик арафасида, шунингдек, истиқлолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон жамияти ҳам ўз ижтимоий мўлжалини танлашга алоҳида эътибор берди. Ўша йилларда турли сиёсий гуруҳлар, олим-зиёлилар, мамлакат ва миллат тақдирига бефарқ бўлмаган барча юртпарварлар Ўзбекистон келажагини белгилаб берадиган ижтимоий мўлжални танлашда фаоллик кўрсатди.

Фикрлар хилма-хиллиги шу даражада ранг-баранг эдики, баъзан бу ҳол кучли сиёсий тортишувлар, баҳсларга, ҳиссиётга берилишларгача олиб келди. Айримлар Ўзбекистон ўз ижтимоий мўлжалини танлашда собиқ совет даврида таъқибга учраган, сунъийлаштирилган миллий маданиятни, қатағон қилинган ўзбек тилини, қадрсизланишга маҳкум этилган миллий қадриятларни тиклашга алоҳида эътибор бериш лозимлигини таъкидлади.

Бошқалар эса, ижтимоий мўлжални кўпроқ дунёнинг ривожланган, индустриал жиҳатдан тараққий этган, демократик давлатларга қараб танлаш лозимлигини асослашга уринди. Назаримизда, ҳар икки нуқтаи назарда ҳам рационал мағиз бир эди. Чунки топталган миллий тил, маданият, қадриятларни тикламасдан, бузиб талқин этилган миллий давлатчилик тарихини холисона баён этмасдан миллий тараққиётга эришиш мумкин эмас эди.

Айни пайтда ижтимоий мўлжални танлашда ўтмишни ҳаддан ташқари илоҳийлаштириб юбориш ҳам миллий тараққиётга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. **Шу маънода, жамият ижтимоий мўлжалини ўтмиш тарихи, миллий маданияти, мутафаккирлар илмий-маънавий меросига суянган, улардан руҳий-ахлоқий қувват олган ҳолда, асосий эътиборни келажакка, дунёнинг ривожланган халқлари ва мамлакатлари тўплаган ижобий тажрибага қараб олишни мақсадга мувофиқ, деб биламиз.**

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ўз ижтимоий мўлжалини шакллантиришда кўпроқ ўзимиз учун қондош ва диндош давлатларга эътибор берганимиз бир томондан Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига тўлақонли халқаро субъект сифатида киришига имкон берган бўлса, бошқа тарафдан, бу ҳол дунёдаги ривожланган давлатлар билан алоқаларимиз жадал ривожланишига муайян даражада таъсир этганини ҳам эътироф этиш керак.

Жамият ижтимоий тараққиёти у ёки бу миллат, давлатнинг ўз қобиғида қолиши оқибатида қай аҳволга тушиши мумкинлиги яқин тарихдан ҳам маълум. Бунда, айниқса, концептуал хатоларга йўл қўйиш тўғри келмайди. Дунёнинг ривожланган давлатлари томонидан танланган ижтимоий мўлжалларни ўрганиш, уларнинг барча учун муҳим бўлган энг мақбул йўлларини эътироф этиш, ижодий ўзлаштириш, бошқаларни асосли-асоссиз танқид қилиш, тараққиётнинг фақат ўзимиз учун танлаган йўлини илоҳийлаштириш кабилар, шубҳасиз, умуммиллий юксалишга зиён келтиради. Буларнинг бари бизга узоқ ва яқин тарихдан сабоқ бўлиши керак.

Хайриятки, барчаси биз учун тарих бўлиб қолди. Бугун мамлакатимиз "Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс сари" деган улуғвор ғоя асосида ўз ижтимоий мўлжалини танлаб олди. Бу мўлжал, шубҳасиз, барчамизни тараққиётнинг янги босқичларига олиб чиқади, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди, умуммиллий тараққиётга замин яратади. Бугунги Ўзбекистон ижтимоий мўлжалида дунё халқлари, мамлакатларига қарашларимиз, муносабатимиз миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда, ўзаро манфаатли сиёсатни олиб боришга йўналтирилган. Бизнинг бу сиёсатимиз жаҳондаги барча илғор давлатлар сиёсатига мутаносиблиги билан ҳам ажралиб туради.

Энди масаланинг бошқа жиҳатига эътибор қаратсак. Жамият ижтимоий мўлжали шахс мўлжаллари асосида шаклланади. **Бошқача айтганда, ижтимоий тараққиёт жамият ижтимоий мўлжали билан фуқаро мўлжали ўртасидаги мутаносиблик натижасидагина юз бериши мумкин. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ижтимоий мўлжал тақдири унинг ўтмишга ёки келажакка қараб белгиланганини билан ҳам изоҳланади.**

> **БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ МЎЛЖАЛИ ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ, МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ ДАВРИДА "ХАЛҚ МАНФААТИ ҲАММА НАРСАДАН УЛУҒ", ДЕГАН ЭЗГУ ҒОЯНИНГ ТАНТАНАСИГА АМАЛДА ЭРИШИШ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДАН МУНОСИБ ЎРИН ЭГАЛЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШДАН ИБОРАТ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСАДИР. БУНДАЙ ИЖТИМОИЙ ҲОДИСА, ШУБҲАСИЗ, ХАЛҚИМИЗНИ АСРЛАР ДАВОМИДА ОРЗУ ҚИЛГАН ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИК, ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ БАРҚАРОРЛИК, СИЁСИЙ-МАФКУРАВИЙ ЕТУКЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ҲАМЖИҲАТЛИККА ОЛИБ ЧИҚАДИ.**

Ижтимоий мўлжал у ёки бу мамлакат раҳбариятининг сиёсий иродаси, олим-у зиёлилар саъй-ҳаракати натижасида тўғри аниқланиши мумкин. Айни пайтда у яқин ва узоқ тарихимизда бўлгани каби жамият фуқароларининг мақсад-муддаоларига мос келмаслиги ҳам мумкин.

Фикримизча, асосий омил жамият фуқаролари томонидан танланган ижтимоий мўлжални амалга оширишдаги реал ҳаракатда, эришиладиган натижада, деб ҳисоблаймиз. Бу осон иш эмас. Бунинг учун, назаримизда, жамият аъзоларидан кучли ижтимоий фаоллик, сиёсий ирода талаб этилади. Жамият ижтимоий мўлжали шахс томонидан онгли равишда англанмас, унга эришиш йўлида фидойилик кўрсатилмас экан, кўзланган мақсадга асло етиш мумкин эмас.

**Жамият ижтимоий мўлжали шахснинг сиёсий сергаклиги, жамият ва давлат томонидан юритилаётган сиёсатга қай даражада ёндашувига боғлиқлигини ҳам унутмаслик муҳим. Бу эса фуқароларнинг жамиятда ҳукм сураётган ижтимоий-сиёсий муҳитга, давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатга муносабатида намоён бўлади.**

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, бугун янги Ўзбекистон жамиятида фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги сезиларли даражада ўсди. "Инсон — жамият — давлат" тамойилининг амал қилиши, давлат ва жамият ишларида фуқароларнинг фаоллик даражаси ўсиши, турли сиёсий жараёнларда одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг яратувчанликка қаратилган саъй-ҳаракатлари кишиларда сиёсий маданиятнинг кўтарилиб бораётганидан даракдир.

Айни пайтда ҳали бу борада қатор муаммоларимиз ҳам борлигини унутиш тўғри эмас. Ҳар қандай сиёсат — у амал қилгандагина ўз натижасини кўрсатиши мумкин. **Барпо этишимиз лозим бўлган янги жамият, унинг асосий арконлари тўғрисида маълумотга, юртимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни таҳлил қила олиш кўникмасига эга бўлмасдан жамият ижтимоий мўлжалини тасаввур этиш асло мумкин эмас.**

Сиёсат, жамият аъзоларининг сиёсий саводхонлигини ошириш ҳар доим ҳам муҳим аҳамият касб этиб келган. Шарқнинг машҳур алломаларидан бири Ҳусайн Воиз Кошифий бу борада шундай дейди: **"Сиёсат икки хил бўлади: бири ўз нафсига нисбатан сиёсат қилиш, иккинчиси ўзга кишига сиёсат қилиш. Ўз нафсига нисбатан бўлган сиёсат шуки, ёмон сифатларни ўзидан йўқотиш ва яхши хулқларни эгаллашдир. Бошқага нисбатан сиёсат эса яна иккига бўлинади. Биринчиси, ўз аъёнлари ва яқинлари сиёсати ва уларни тартибга солиш. Иккинчиси, умумхалқ сиёсати".**

Юқоридаги фикрдан шундай хулоса қилиш мумкинки, бир томондан, ижтимоий мўлжалнинг амалга ошиши муайян давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат, мамлакатни адолатли равишда бошқаришга йўналтирилган сиёсатнинг асл мақсадига, бўлак тарафдан, бундай сиёсатнинг умумхалқ манфаатларига мутаносиблик даражасига боғлиқ бўлса, яна бошқа томондан, фуқароларнинг мамлакат ва миллат манфаатлари йўлида бажарадиган саъй-ҳаракати, улар сиёсий иродасига ҳам тегишлидир.

**Мамлакат сиёсий раҳбарияти тарафидан тўғри, адолатли ижтимоий мўлжал танланса-ю, у жамият фуқаролари томонидан, биз юқорида таъкидлаганимиз каби онгли равишда англанмаса, тафаккур этилмаса, бу кўзланган мақсадга олиб келмайди. Бугунги Ўзбекистонда ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларни замонавий билимлар билан қуроллантириш, тараққийпарвар алломаларимиз қайд этгани каби миллатнинг нажоти илм-фанда эканини англаш, шубҳасиз, биз танлаган ижтимоий мўлжални реал ҳақиқатга айлантиради.**

Дарҳақиқат, бугунги мураккаб жаҳоний жараёнларда таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга оширмасдан, инсон капитали масаласига муҳим аҳамиятга эга феномен ҳодиса сифатида қарамасдан, бирор-бир сезиларли ютуққа эришиш амри маҳол. **"Ривожланган мамлакатларда,** — дейди Президентимиз, **— таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни болага 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта аҳамият берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт".**

Шу ўринда, айрим фуқароларимизда ҳали ҳам инсон капиталига сармоя киритиш борасида эски ақидаларга муккасидан кетиш ҳолатлари мавжудлигини таъкидлаш лозим. Бир аср аввал жадид бобомиз Абдулла Авлоний ҳам "Ким нимани яхши кўрар?" номли асарида бу ҳақда шундай деган эди: **"Эҳтимол, бизнинг халқ илму маърифатни, тарбия ва таълимни, ҳунар ва саноатни яхши кўрар, деб ўйлайдурғондурсиз? Йўқ, бу фикрингиз янглиш. Дўкондорларимиз ишларини тартибга солмай, замонага мувофиқ иш юритмай, Маллахон замонидан қолғон эски дўкон, эски тос, эски тартибларини яхши кўрурлар. Оналаримиз билим ва тарбия ўрнига эрлари ила урушуб-талашуб қизларига мол қилмакни яхши кўрурлар. Оталаримиз болаларини ўқитмак ва таълим бермак ўрнига "ўғлим, эмди каттакон йигит бўлдинг, шунча ўқуганинг етар, пул топ!", деб "ташишка" — ҳаммоллик қилдиришни яхши кўрурлар. Ёшларимиз илм ва маърифатли бўлиш, ҳунар, санъат ўргониш ўрнига ўзларига зеб беруб тор шим ила калта камзул, қотирма ёқаларга бино қўйишни яхши кўрурлар".**

Ушбу сўзлар қанчалар аччиқ бўлганига қарамасдан, таъкидлаш лозимки, айни ҳақиқат. Тўғри, ёшларимизнинг аксарият катта қисми бугун замонавий таълим олиш, илм-фан ютуқларисиз ҳеч қандай тараққиёт бўлиши мумкин эмаслигини яхши англаяпти. Йигит-қизларимизнинг кўпчилиги таълим ва илм-фанни ўзлари учун мукаммалликка эришишнинг муқаддас омили сифатида тан олмоқда. Бироқ бугунги ёшлар тарбиясида фақат уларнинг ўзларини айблаш ҳам тўғри эмаслигини тан олишимиз керак.

Дарҳақиқат, бу жараёнда ота-оналарнинг ўрни катта эканини доимо ёдда тутиш керак. Назаримизда, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси, камолоти, мутахассис бўлиб шаклланиши йўлидаги энг катта хатоларидан бири уларнинг ижтимоий мўлжал ҳақида мукаммал билим ва кўникмага эга эмасликларидадир. **Биз юқорида қайд этганимиз каби жамият тараққиёти ижтимоий мўлжални ўтмишга қараб эмас, келажакка қараб олишдагина рўй беради. Ижтимоий мўлжал шахснинг кундалик, майда-чуйда ташвишлар билан овора бўлиб қолишини тан олмайди. Қолаверса, ҳаётни фақат маиший муаммоларни ҳал этишдан иборат, деб билган жамият ҳам, унинг аъзолари ҳам асло ижтимоий мўлжални тўғри танлай олмайди.**

Ҳар биримиздаги ана шу одатий, фақат маиший муаммоларни ҳал қилишдан иборат бўлган кайфиятни бартараф этишнинг энг тўғри йўли ҳам аслида, биз юқорида таъкидлаганимиз каби шахснинг сиёсий иродаси, уларнинг жамият томонидан қўйилаётган юксак мўлжалларни англаб етиш кўникмасидир.

Бундай кўникмани шакллантириш эса яна бир муҳим феномен ҳодиса, унинг шахс интеллекти, руҳияти таъсирига боғлиқ. Гап шахс тафаккур тарзига дахлдорлиги устида кетмоқда. Тафаккур инсоннинг фикрлаши, жамият, табиат ҳодисалари, инсоннинг ўзи ҳақидаги билимларининг реаллигига муайян даражада кафолат берадиган муҳим тушунча. Тафаккур ҳиссий билишдан фарқ қилади.

Тафаккур инсоннинг илмий, ижодий фаолиятидан иборат. У нарса, ҳодисаларнинг энг мураккаб хусусиятларини ўрганиш, ҳодисаларни олдиндан кўриш, башорат қилиш имкониятини вужудга келтиради. Тафаккур сифатлари жуда кўп. Айниқса, фикрнинг аниқлиги, тиниқлиги, ишончлилиги, мантиқлилиги, мустақиллиги, эркинлиги, илмийлиги, ижодийлиги тафаккурнинг энг муҳим қирралари ҳисобланади.

Яна бир нарсага эътибор бериш лозимки, **инсон тафаккури ҳеч қандай маъмурий кўрсатмаларга бўйсунмайди. У шахсга мажбурий йўллар билан сингдириладиган сиёсий-мафкуравий кўрсатма ва зуғумларни тан олмайди. Чунки** **тафаккур эркин, озод ижтимоий-маънавий ҳодиса. Шунинг учун ҳам тарихда халқ ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан фикр қилган, ўз фаолиятида эркин фикр юрита олган, ўз ижодий-илмий фаолияти билан эл-юртга катта наф келтирган кишилар мутафаккирлар, деб аталган.** Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даври алломалари, жадид арбобларини мутафаккир, деб бежиз атамаймиз.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ягона тўғри ижтимоий мўлжални танлашда шахснинг тафаккур тарзи алоҳида аҳамиятга эга. Шарқ мутафаккирлари инсоният тарихида ҳиссий билим билан биргаликда ақл масаласига ҳам алоҳида диққат қаратган. Ҳақиқатан ҳам, ақл билан тафаккур бир-бирини доимо тўлдириб турувчи зарур ҳодисалардир.

Шу ўринда фикрларимизнинг исботи учун Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг қуйидаги фикрларидан қимматлироқ иқтибос топа олмадик: **"Инсон зоти ақли билан бошқа жонзотлардан устун туради. Инсон ўзига берилган ақл воситасида инсон етиши мумкин бўлган энг юқори мартабаларга эришади. Аммо ақл ўз-ўзидан ишлаб кетавермайди. Ақлни ҳаракатга солувчи куч тафаккурдир. Бошқача айтганда, инсонни ҳаракатга солувчи куч ақли эмас, балки тафаккури ила эришган идрокидир. Тафаккур бўлмаса, ақлнинг ўзи ҳидоятга йўллай олмайди".**

Демак, жамият томонидан танланган ижтимоий мўлжалга эришишнинг энг муҳим шартлари шахс ижтимоий фаоллиги, унинг мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни қай даражада идрок этиши ҳамда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни унинг томонидан таҳлил эта олиш кўникмаси шаклланганига ва фуқароларнинг тафаккур тарзига тегишлидир.

**Жамият ижтимоий мўлжалининг муваффақияти, шунингдек, мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий жараёнлар ва унга шахс дунёқараши даражасининг мутаносиблигига боғлиқдир.** Улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик жамиятни сўзсиз тараққиётга, фаровонликка олиб боради. Номувофиқлик эса, жамиятда кўнгилсиз ҳолатларни юзага келтиради. Бундай ҳолатда давлатнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта.

Жамият ижтимоий мўлжалининг муваффақиятини кўзлаган ҳар қандай давлат, энг аввало, ўз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий билим савиясини оширишдан, уларнинг сиёсий иродаси ва тафаккур тарзини мустаҳкамлашдан манфаатдор. Бунинг тасдиғини бугунги Ўзбекистон мисолида кўриш мумкин. Айниқса, яқинда Конституциямизнинг янги таҳрири бўйича бўлиб ўтган референдум, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларида, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг кенг ва фаол иштирок этиши бўйича давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлар, шубҳасиз, жамият ижтимоий мўлжали муваффақиятининг кафолатидир.

Жамият ижтимоий мўлжали қуруқ жойда, ўз-ўзидан пайдо бўладиган ҳодиса ҳам эмас. Ижтимоий мўлжал шу жамият фуқаролари томонидан танланган мақсадлар асосида шаклланишини ҳам унутиш мумкин эмас. **Сиёсий элита, давлат раҳбарияти, турли давлат ва жамоат ташкилотлари мамлакатда сиёсий-иқтисодий мўътадиллик, ижтимоий-маънавий барқарорлик, миллатлараро ҳамжиҳатлик каби умуминсоний қадриятлар асосида жамият фаровонлиги бўйича улкан марраларни белгиласа-да, бироқ фуқароларда ана шу етукликка коррупцион ҳолатлар, жиноий йўллар билан эришишга интилиш кучли бўлса, бундай вазиятда ижтимоий мўлжалга эришиш амри маҳол бўлади.**

Дарҳақиқат, ижтимоий мўлжал давлат, жамият ва шахс мақсад-муддаолари, стратегик режалари уйғунлиги туфайлигина мавжуд бўлади. Шу маънода, ижтимоий мўлжални у ёки бу миллатнинг ўз иқтисодий-сиёсий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий имкониятларини холис баҳолаган ҳолда эришилиши лозим бўлган етуклик даражаси ва унинг алоҳида олинган шахс томонидан белгиланган мақсадлари билан уйғунлашиши сифатида тушуниш тўғри бўлади.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



БУГУННИНГ ГАПИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИЛАНАЁТГАН ҚИЁФАСИ

## кенг кўламли бунёдкорлик ишларида ўз аксини топмоқда



**Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами жойларда фойдаланишга топширилаётган янгидан-янги объектлар, замонавий турар жойлар мисолида яққол кўзга ташланади. Бинобарин, кунда кунора юртимизнинг қайсидир манзилида янги турар жой ёки ишлаб чиқариш объекти қуриб битказилганига оид хабарларни эшитяпмиз, кўряпмиз, ўқияпмиз.**

Қурилиш соҳасидаги бу жараён нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартирди, балки одамлар ҳаётига ўзгача мазмун-моҳият бағишлаётгани ҳам бор гап.

3-7 июль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган "Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат" мавзусидаги халқаро шериклик ташаббуслари ҳафталиги доирасида бир нечта тадбирларнинг шу соҳага бағишлангани ҳам бежиз эмас.

Бу бугун Ўзбекистон қурилиш соҳасида ўзига хос тажрибага эга бўлиб бораётган давлатлар сирасига киришидан далолат беради. Юртимиз қурувчиларидан ўрганадиган жиҳатлар борлиги, шунинг учун келгусида алоқаларни мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатади.

Бугун мазкур соҳадаги ўзгаришлар замонавий тамойиллар асосида тобора такомиллашиб бораётгани эса янада диққатга сазовордир. Яъни Ўзбекистондаги бунёдкорлик жараёни яшил иқтисодиёт, урбанизация, қурилишда муқобил энергия, ва албатта, аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасидаги ижтимоий сиёсатга йўғрилгани билан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатимиздаги ҳозирги қурилиш индустриясини ана шу омилларсиз тасаввур қилиш мушкул. Шу жиҳатдан олганда, кейинги 6 йилни соҳадаги инқилобий бурилиш даври бўлди, десак арзийди. Шу давр ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага доир 27 та қарор ва фармони, бошқа кўплаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилингани бунинг тасдиғидир.

Агар 1991 йилдан 2016 йилгача 2000 га яқин қурилиш-пудрат ташкилоти фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар сони 40 мингдан ошиб кетди. Урбанизация ҳисобига аҳоли сонининг кўпайиши, инфратузилма тармоқларидаги ҳаддан ташқари юкламалар, транспорт ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, тутун — буларнинг барчаси шаҳарлар майдонини кенгайтиришни, одамлар яшаши учун қулай шароитга эга яшил шаҳарлар қуришни тақозо этаётган эди. Шу боис, кўп хонадонли биноларнинг кўкаламзорлаштириш майдони умумий объектнинг 25 фоизидан кам бўлмаслиги шаҳарсозлик норма ва қоидаларида қатъий белгилаб қўйилди.

Фойдаланишга топшириладиган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг камида 50 фоизида қуёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинди. Шунингдек, ҳудудларда аҳоли хонадонларига кичик қувватли қуёш панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича "Қуёшли хонадон" дастури амалга оширилмоқда. Жорий йилда 37 минг хонадонда кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ўрнатилади.

Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажми 1,5 баробар оширилди. Биргина 2023 йилда 90 мингта уй-жой қуриш, бу борада икки йил аввал бошланган имтиёзли шартлар асосидаги ипотека кредити бериш тизими давом эттирилмоқда.

Республика шаҳар, шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда қишлоқ (овуллар) аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган дастур шакллантирилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор лойиҳаси тайёрланди.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида ҳудудларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айтайлик, биргина ўтган йили "Обод маҳалла" дастури доирасида шароити оғир 413 та маҳалланинг бош режаси ҳамда қишлоқ ва маҳаллалар марказининг меъморчилик қиёфасини яхшилаш бўйича лойиҳалари ишлаб чиқилган. Жараёнга илк бор хусусий лойиҳа ташкилотлари жалб қилинди.

Бу каби маҳалла ва қишлоқлардаги жами 543 ижтимоий соҳа объекти, шу жумладан, 143 та боғча, 265 та мактаб, 136 та тиббиёт, битта маданият биноси, шу билан бирга, аҳолини ичимлик сув билан таъминлашга қаратилган жами 382 объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Мана шу янгиланишлар билан уйғун кечаётган яна бир катта йўналиш бор. Бу — маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш. Шу мақсадда Республика Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган. Қарор ижроси билан ҳудудларни обод қилиш, қишлоқ ва маҳаллаларда инфратузилма билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, хусусан, жойларда ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратишга киришилди.




**ҚУРИЛИШ ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН СОҲАЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНЯПТИ. БИНОБАРИН, 2020 ЙИЛДА ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ҲАЖМИ 88 ТРИЛЛИОН СЎМ, 2021 ЙИЛДА 108 ТРИЛЛИОН СЎМ ВА 2022 ЙИЛДА 131 ТРИЛЛИОН СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАНИ ШУНДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.**

Шу мақсадда 5 минг 284 маҳалладаги 6 мингдан зиёд ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларида қурилиш-таъмирлаш ишлари белгиланди. Ушбу қарор ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида ҳудудларда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, лойиҳалар фойдаланишга топширилмоқда. Хусусан, дастурга киритилган 5 минг 600 дан зиёд, бошқача айтганда, 92 фоиз объектлар юртдошларимиз хизматига тақдим этилган. Бугунги кунда дастур доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан ҳам қўшимча объектларда қурилиш-таъмирлаш ишлари давом эттириляпти.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" каби маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган дастурлар доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар халқимиз ҳаётини ўзгартириб, юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига замин яратди. Бугун обод маҳалла ва қишлоқларда янги ҳаёт нафаси уфуриб, одамларни яхшиликлар сари ундамоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони доирасида 38 та ҳудудда "Янги Ўзбекистон" массивларини қуриш жараёни изчил олиб боріляпти. Агар қурилиши жадал бошланган "Янги Ўзбекистон" массивлари инфратузилмасига, шакл-шамойилига эътибор берадиган бўлсак, бу ерда инсон манфаати, унинг қадри ҳар нарсадан устун эканлиги намоён бўлади. Жумладан, бундай массивларда кўп қаватли уйлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда қурилмоқда.

Қурилиш иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бирига айланяпти. Бинобарин, 2020 йилда қурилиш ишлари ҳажми 88 триллион сўм, 2021 йилда 108 триллион сўм ва 2022 йилда 131 триллион сўмни ташкил этгани шундан далолат беради.

Қолаверса, 2021-2025 йилларда қурилиш тармоғини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш бўйича стратегия ва "Йўл харитаси" тасдиқланди. Умуман олганда, бугун мамлакатимиз қурилиш соҳасида янги авлод шаклланиб, соҳага замонавий услублар жорий этилмоқда.

### Эскирган нормалар бугунги кун талабига уйғунлаштирилади

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод Ҳидоятовнинг қайд этишича, бугунги кунда қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг стратегияси тасдиқланиб, унда шаҳарсозлик соҳасидаги эскирган норматив ҳужжатларни бугунги жаҳон стандартларига мувофиқлаштириш қатъий белгиланган.

Жумладан, "Uzbekistan building code" дастури модернизацияси орқали бир нечта аниқ мақсадлар кўзда тутилмоқда:

— эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган нормаларни бугунги кун ислоҳотлари билан уйғунлаштириш;

— уларни тизимлаштириш орқали қурилиш соҳасида бюрократик тартиб-таомилларни бартараф этиш;





— нормаларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ муаммоларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш;

— нормаларни қурилишга оид халқаро норматив-техник ҳужжатларга мувофиқлаштириш шулар жумласидан.

Мазкур модернизация жараёни учун Корея қурилиш технологиялари институти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, бу ишларни мувофиқлаштириш учун 2022 йилда вазирлик ҳузурида Қурилишда техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Айни пайтда институтда 80 нафардан ортиқ қурилиш, стандартлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш бўйича илмий ходимлар ҳамда малакали мутахассислар фаолият олиб бормоқда.

Бугунги тезкор замон, жаҳон бўйлаб глобаллашув жараёни тобора чуқурлашиб бораётган шароитда рақамлаштириш илғор давлатлар иқтисодиётининг барча тармоғида кенг жорий этилмоқда. Ҳаттоки, айрим мамлакатлар ушбу соҳанинг энг юқори чўққиси ҳисобланган сунъий интеллектдан фаол фойдаланяпти. Рақамлаштириш ҳар бир соҳада инсон омилисиз бошқарув тизимини йўлга қўйиш орқали коррупцияни камайтиради, солиқ тушумларини "ақлли" шартномалар тузиш орқали кўпайтиради, бюджет харажатлари очиқлигини оширади. Ягона электрон платформада хизмат кўрсатиш имкониятини беради. Ҳар бир жабҳада рақамлаштириш жараёнини ташкил этиш келажакда реал рақобатбардошликни узоқ муддатга сақлаб қолишда асқотади.

Ўзбекистон қурилиш соҳасини рақамлаштириш бўйича дунёнинг илдамлаб бораётган мамлакатлари қаторида, десак муболаға бўлмайди. Вазирлик томонидан аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, буюртмачи, лойиҳачи ва пудрат ташкилотларига, умуман, қурилиш жараёнининг барча иштирокчиларига юқори даражада қулайлик яратиш мақсадида қатор ташаббуслар илгари сурилмоқда. Бунда барча хизмат ва технологик жараённи инсон омилисиз мувофиқлаштириб бориш мақсадида "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ишга туширилгани муҳим омил бўлмоқда. Бу эса мазкур соҳадаги давлат хизматларини тўлиқ рақамлаштириш, ҳужжатларнинг электрон шаклда айланишини таъминлаш, инвестиция дастуридаги қурилиш объектларининг ҳолатини реал вақт режимида кузатиб бориш имконини бераётир. Шунингдек, қурилиш объектларида назорат жараёни электронлаштирилиб, барча маълумотлар автоматик тарзда шакллантириляпти.

— "Қурилиш соҳасидаги давлат хизматлари ахборот тизими" платформаси орқали бир нечта давлат хизматлари онлайн амалга оширилмоқда, — дейди "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими директори ўринбосари Шуҳрат Ҳамдамов. — Қурилиш ҳамда тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома шу орқали амалга оширилади. Шунингдек, Қурилиш ва лойиҳа ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тизимига республикада фаолият юритаётган 22 мингдан ортиқ қурилиш ва лойиҳа ташкилоти киритилган. Уларнинг рейтинги ташкилот моддий-техник базаси, рақобатбардошлиги, кадрлар сиёсати, молиявий кўрсаткичлари, соҳа мутахассислари иш тажрибаси каби бир неча муҳим факторлар бўйича онлайн тартибда автоматлаштирилган ҳолда шакллантириб борилади.

**ҚУРИЛИШГА ДОИР ЛОЙИҲАЛАР ТЕНДЕР ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ ИНСОН ОМИЛИСИЗ ТАНЛАБ ОЛИНАДИ. ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, УШБУ АМАЛИЁТНИНГ ДУНЁ МИҚЁСИДА МУҚОБИЛИ КАМ. БУНДА ТАЛАБГОРНИНГ МАЪЛУМОТЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТАРЗДА СОЛИҚ, АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ, МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИ, ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА НАЗОРАТ ИНСПЕКЦИЯСИ ҲАМДА МАРКАЗИЙ БАНК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИДАН ОЛИНАДИ.**

Қурилишга доир лойиҳалар тендер платформаси орқали инсон омилисиз танлаб олинади. Таъкидлаш лозимки, ушбу амалиётнинг дунё миқёсида муқобили кам. Бунда талабгорнинг маълумотлари автоматлаштирилган тарзда солиқ, адлия идоралари, Мажбурий ижро бюроси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат инспекцияси ҳамда Марказий банк маълумотлар базасидан олинади.

Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ахборот тизими тўлиқ рақамлаштирилди. Бунда ариза берувчилар уйдан чиқмаган ҳолда мурожаат қилиши, қисқа муддатда тегишли экспертиза хулосаларини олиши мумкин. Энг муҳим жиҳати, мурожаатчи онлайн равишда аризанинг ҳар бир босқичини мониторинг қилиш имкониятига эга.

Навбатдаги модул қурилиш соҳасида кўрсатиладиган электрон хизматларни мониторинг қилиш ва ҳар бир объект кесимида босқичма-босқич амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жам қилган "Мақсадли дастурлар мониторинг" электрон тизимидир. Бу орқали "Шаффоф қурилиш" қошидаги бошқа тизимлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ахборот марказлари билан интеграция қилиниши ҳисобига муаммоларнинг олди олинади.

Айни пайтда мамлакатимиздаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари бир мақсадга — аҳолининг тўкис ҳаёт кечириши учун замонавий турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари ва қулай инфратузилма яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

---

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИДА

# ОДАМИЙЛИК МЕЗОНИ

**Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар замирида юрт тинчлиги, фуқаролар манфаати ва фаровонлигини таъминлаш мақсади мужассам. Бинобарин, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қиладиган самарали ва барқарор тизим шаклланаётгани ана шу мақсадлар рўёбини таъминламоқда. Буни ҳудудлардаги Халқ қабулхоналари фаолиятида ҳам кўриш мумкин.**



**Авлиёқул ОҚҚИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қоракўл туманидаги Халқ қабулхонаси мудири**

Очиғи, фуқаро манфаати тўғри ва муносиб тарзда таъминланишида Халқ қабулхоналари асосий кўприк вазифасини бажаряпти. Улар фуқароларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим ўрин тутмоқда. Шу билан бирга, кейинги йилларда қабулхоналар иш услуби ҳам такомиллашяпти.

Айни пайтда Халқ қабулхонаси фаолияти фақат идорада ўтириб фуқароларни қабул қилишдан иборат эмас. Жойларга чиқиб сайёр қабуллар ташкил этиш, секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларини уйма-уй юриб, ижтимоий ва бошқа соҳа объектларини ўрганишга жалб этиш ҳам уларнинг вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишни доимий равишда мувофиқлаштириб бориш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш ҳам улар амалиётидан кенг ўрин олаётир.

Бу жараёнда ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига кўмаклашишга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Ана шу ҳамкорлик самараси ўлароқ, жорий йилнинг май ойига қадар Бухоро вилояти Қоракўл тумани Президент виртуал ҳамда Халқ қабулхонасига туман аҳолисидан 2633 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 2354 таси ёки 89 фоизи кўриб чиқилди.

Бу мурожаатларнинг 345 таси моддий ёрдам ва пенсия, 110 таси ер муносабатлари, 106 таси бандлик масаласи, 97 таси йўл инфратузилмаси, 54 таси дафтарлар асосида ижтимоий ҳимоя ва ёрдам, 179 таси электр энергияси таъминотидаги, 61 таси газ таъминотидаги муаммолар, 82 таси уй-жой билан таъминлаш, 81 таси алимент ундириш, 48 таси эса даволаш ва тиббий хизмат кўрсатиш бўйичадир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, мурожаатларнинг 919 таси ижобий ҳал этилди. Масалан, фуқаро У.Имомов оилавий яшаш шароити оғирлиги, ёнғин туфайли уй-жойи авария ҳолатига келиб қолганини билдириб мурожаат қилди. Аниқланишича, у тегишли ташкилотлардан шу масалада бир неча бор кўмак сўраган. Аммо натижа бўлмаган. Фуқаронинг мурожаати бу гал Халқ қабулхонаси иштирокида ўрганилиб, ижобий ҳал этилди.

Яна бир мисол. Фуқаро У.Бозоров 2-гуруҳ ногирони. У вилоят касалхоналарида даволаниш учун ордер олиш мақсадида Қоракўл тумани тиббиёт бирлашмасига кўп маротаба мурожаат қилиб, кўмак сўраган. Аммо бирлашмадаги масъуллар масалага панжа орасидан қараган. Шундан сўнг у Халқ қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Натижада тиббий текширувдан ўтказилиб, унга вилоят клиникаларида даволаниши учун ордер берилди.

Жорий йил давомида туманда "Сектор сайёр қабуллари", "Халқ билан очиқ мулоқот", "Муаммо ва ечим" каби мавзуларда 88 та учрашув ва сайёр қабуллар ўтказилди. Бу тадбирлар орқали ҳам аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга ўз вақтида ечим топилмоқда. Шу ўринда бир-икки далил келтирмоқчимиз.

Фуқаро А.Қодиров яшаш ҳудудидаги симёғочларни таъмирлаш, янгисини ўрнатиш юзасидан мурожаат қилганди. Ўрганишлар натижасида ҳудуддаги трансформатор таъмирланди, яроқсиз аҳволдаги симёғочлар янгисига алмаштирилди. Шунингдек, фуқаро С.Бозоровнинг аризасига кўра, маҳалла ички йўллари таъмирланиб, шағал тўкилди.





Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентнинг Қоракўл тумани Халқ қабулхонаси тасдиқланган режага асосан, сектор раҳбарлари билан жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудларда 88 маротаба сайёр қабул ўтказди.

Албатта, Халқ қабулхоналарининг зиммасида катта масъулият турибди. Бу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ишлаш одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашлари йўлидаги эзгу ишга қўшилган ҳиссадир.

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

НУҚТАИ НАЗАР

# ТАЪЛИМ МАЗМУНИГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР



## ўқитиш ва ўрганиш жараёнининг сифатига ижобий таъсир этади



**Абдураҳим НОСИРОВ,**
**Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор**

**Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади, дейилиши бежиз эмас. Чунки инсон бутун умри давомида оладиган билим, кўникма, малаканинг асосий қисмини мактаб партасида эгаллайди. Умумий ўрта таълим эса бошланғич, таянч ўрта ва ўрта таълимдан иборат.**

### Ўқув режаси нима?

Ўқувчи ва ўқитувчининг ўқиш ҳамда иш юкламаси умумий ўрта таълимнинг ўқув режасига боғлиқ. Умумий ўрта таълимнинг таянч ўқув режаси мактабларда ўқитиладиган ўқув фанлари номи, ўқув юкламасининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг синфлар бўйича тақсимоти белгиланган ҳужжатдир.

Ўқув режаси хорижий тажрибани ўрганган ҳолда ҳар йили такомиллаштирилмоқда. Бугун 102 турдаги ўқув режаси мавжуд. Шундан 3 турдаги таянч, 45 турдаги вариатив, 54 турдаги ихтисослаштирилган ва 4 йўналишдаги танлов фанлар ўқув режаси янги ўқув йили олдидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тайёрланиб, таълим муассасаларига етказилмоқда. Ўқув режаларидаги бундай хилма-хилликнинг ўзи таълим олувчилар ва ота-оналарга муайян қулайликлар яратади. Биргина шу ўқув йили олдидан жорий этилаётган танлов фанларга асосланган ўқув режаси болаларнинг қобилияти ва танлови асосида таълим жараёнини ташкил этиш, юқори синф ўқувчиларининг фанларга ихтисослашувини кучайтириш ҳамда уларни олий ўқув юртларига йўналтириш учун кенг имконият яратишга мўлжалланган.

Мазкур ўқув режаси янги ўқув йилида 124 мактабда тажриба-синовдан ўтказилади. Бу мактабларда ижод ва ихтисослаштирилган муассасаларда янги баҳолаш тартиби жорий этилади. 10-синф ўқувчилари ўзи танлаган 2 та фаннинг таянч ўқув режасидан фарқли равишда чуқурлаштирилиб, 2-3 баробар кўп ҳажмда ўқитилиши битирувчи синф ўқувчиларининг қўшимча пул тўлаб, репетиторга қатнашига эҳтиёж қолдирмайди.

Қолаверса, вариатив ўқув режалари ўқувчилар ва мактаб маъмурияти учун фанларни танлаш имкониятини кенгайтиради. 11 йил учун ўқув юкламаси 11 минг 504 соатдан 10 минг 655 соатга туширилган. Олдинги йиллардан фарқли равишда таълим ўзбек тилида юритиладиган мактаблар учун алоҳида, рус ва қардош тиллардаги мактаблар учун алоҳида ўқув режаси тасдиқланган.

### Янги ўқув дастурларида нималар акс этяпти?

Ўқув дастурларида ҳам ўзгаришлар талайгина. Умумтаълим фанларининг ўқув дастурлари шахсни ҳар томонлама камол топтириш, таълим олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаси ҳамда савиясини шакллантириш, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган. Қолаверса, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурларини амалиётга киритиш белгиланган.

1-4-синфларда ўқувчиларни илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган дарсликлар бўйича ўқитиш, 5-9-синфларда ўқувчиларга умумтаълим фанларидан таянч билимлар бериш ва 10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган ихтисослашган дастурлар асосида билим бериш амалиётини жорий қилиш вазифалари қўйилган. Айни пайтда таълим сифатини ошириш, соҳани илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар) нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилиши кўзда тутилган.



Ўқув дастурлари ҳар доим такомиллашиб келган. Нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам шундай ҳолат кузатилади. Бизда ўқув дастурлари 2013 йилда биринчи қадамда чет тиллар бўйича, кейин барча умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашув асосида янгиланди. 2017 йилга келиб 9 йиллик таълимдан 11 йиллик таълимга ўтилиши ҳисобига яна ўзгаришлар кузатилди. 2020 йилдан бошлаб умумий ўрта таълимнинг халқ таълими тизимида Миллий ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. 2021-2022 йилларда 21 фандан узлуксиз таълим тизими учун фанлар бўйича концепциялар ишлаб чиқилди.

Барча таълим турлари бўйича ўтиладиган мавзулардаги такрорланиш бартараф этилиб, 21 фандан мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва олий таълим муассасалари учун узвийлиги таъминланган Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим миллий ўқув дастурлари тайёрланди. Бунда бошланғич таълимни мактабгача таълим тизими билан боғлаш, ўқувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур саводхонлик, билим, кўникма ва малака асосларини шакллантириш, таянч ўрта таълим учун ўқувчиларга зарур ҳажмдаги билим, кўникма ва малака бериш, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантириш кўзда тутилган.

Миллий ўқув дастурининг мақсади ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш, таълим контентида амалий кўникмаларни, компетенцияларни ривожлантириш, назарий билимларни 90 фоиздан 50 фоизга камайтиришдан иборат бўлди. Дастурда мактаб битирувчисига креатив фикрлаш, кенг дунёқараш, мустақил қарор қабул қилиш, замонавий кўникмаларга эга бўлиш, ахборот технологияларини пухта ўзлаштириш каби талаблар белгиланди.

Узлуксиз, жумладан, умумий ўрта таълим ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича 21 та фан бўйича ишчи гуруҳлар ишлаган. Республика таълим маркази UNICEF ташкилоти билан ҳамкорликда Сингапур, АҚШ, Англия (Кембриж), Финляндия, Жанубий Корея, Япония, Гонконгда фойдаланилган ўқув дастурлари, Президент мактаблари билан Кембриж тажрибаси, ўқув дастурлари ва дарсликларини ўрганган. Шунга қарамай, амалдаги узвийлиги таъминланган ўқув дастурлари бугунги катта ислоҳотлар таъсирида яна янгиланишга эҳтиёж сезмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати ва таълим ислоҳотлари натижасида иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароит яратиш мақсадида ташкил этилган Президент таълим муассасалари, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда жорий этилган Кембриж ўқув дастурлари ва дарслик мажмуалари, ўқитиш методикалари самара бера бошлади. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази олдига қўйилган вазифалар орасида айнан ушбу мактаблардаги янги тажрибалар, ўқитиш методикалари, ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларини умумий ўрта таълим мактабларига босқичма-босқич жорий этиш ҳам турибди. Бугун умумий ўрта таълим мактабларидаги фанлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда синфлар бўйича ҳар бир фандан турли ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш устида ишланмоқда. Хусусан, 1-4-синфларда янги дарсликлар бўйича ўқитишда 4К модели жорий қилинади: коммуникация, коллабарация, креативлик, критик фикрлаш. Шунингдек, тажриба тариқасида босқичма-босқич 7-синфдан иккинчи хорижий тил (француз, немис, корейс, хитой, инглиз)ни ўқитиш, 10-11-синфдан 3 йўналишда касб, ишчи касбларни ўргатиш, 10-11-синфларда 4 йўналишдаги танлов фанларини жорий этиш: кимё-биология, математика-физика, математика-чет тили, она тили ва адабиёт-чет тили. Бунда 2 та танлов фан чуқурлаштириб ўқитилади. Умумий фанлар сони 18 тадан 11 та мажбурий фанга туширилади.

> **МАЗКУР ЎҚУВ РЕЖАСИ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА 124 МАКТАБДА ТАЖРИБА-СИНОВДАН ЎТКАЗИЛАДИ. БУ МАКТАБЛАРДА ИЖОД ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МУАССАСАЛАРДА ЯНГИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ. 10-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎЗИ ТАНЛАГАН 2 ТА ФАННИНГ ТАЯНЧ ЎҚУВ РЕЖАСИДАН ФАРҚЛИ РАВИШДА ЧУҚУРЛАШТИРИЛИБ, 2-3 БАРОБАР ҚЎП ҲАЖМДА ЎҚИТИЛИШИ БИТИРУВЧИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ПУЛ ТЎЛАБ, РЕПЕТИТОРГА ҚАТНАШИГА ЭҲТИЁЖ ҚОЛДИРМАЙДИ.**



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

### Ўқитиш ва ўрганиш ресурслари

Дарслик — давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув дастури асосида дидактик, методик, педагогик-психологик, эстетик ва гигиеник талабларга жавоб берадиган ҳолда яратилади, чоп этилади ва мактабларга етказилади. 2022 йилда мактабларда инглиз, немис, рус тили фанидан халқаро даражадаги дарсликлар жорий этилган бўлса, 2023 йилда 1-4-синфлар учун халқаро талаблардаги дарсликлар жорий қилинади. Француз тилидан Didier нашриётининг француз тили фани дарсликлари ҳамда Кембриж нашриётининг информатика дарслиги жорий қилинади. Аниқ ва табиий фанлар бўйича халқаро нашриётлар дарсликларини маҳаллийлаштириш кўзда тутилган.

Янги ва қайта чоп этиладиган дарсликларда ўқув фанининг мавзулари тўлиқ ёритилган ва асослари мукаммал ўзлаштирилишига қаратилган. Ўқув фанининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, таълим олувчиларнинг ёши ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. Назарий маълумотлардан ташқари амалий тажриба-синов машқларини ҳам қамраб олади. Аксарият фанлардан дарсликлар ўқув-методик мажмуа кўринишида, яъни асосий ўқув дарслиги, машқ дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма ва рақамли ресурслар, мультимедиали иловалар, аудио, видеоресурслардан иборат.

Янги ташкил этилган Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази олдида ҳам Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан бирга таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни жорий қилиш, замонавий талаблар ва жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган янги ўқув режалари, дастурлари ва ўқув-методик адабиётларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиш меъёрларини белгилаш каби қатор вазифалар ўрин олган.

2023/2024 ўқув йили олдидан ўқитувчилар учун янгиликлар кўп. Бугун вазирликда мазкур янгиликларни тизимли равишда Август кенгашлари, ўқитувчилар форуми орқали кўп минг сонли ўқитувчилар аудиториясига етказиш устида ишланмоқда.

### Қандай ўқитиш керак?

Ўқитувчи ўз фанидан кучли бўлса, ўқувчиларининг ҳам ўзлаштириш даражаси шунга мос бўлиши керак. Аммо умумий ўрта таълим тизимида ўтказиладиган ички, ташқи ёки халқаро мониторинг натижалари ушбу аксиомани инкор этиб келмоқда. Масала нимада? Ёки ўқитиш методикаларимиз оқсамоқда ёки фан ўқитувчилари тоифасини ошириш учун фақат ўз билимини ошириш ортидан қувмоқда. Ёхуд уларга берилиши керак бўлган узлуксиз методик хизмат издан чиққан.

Миллий ўқув дастурларида ўқитиш методикаси чизиқли ўқитиш — ёдлатишдан спиралсимон, XXI аср кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Дидактик таъминот илгари фақат чет тиллардан мажмуа шаклида бўлган бўлса, энди барча фанлардан дарслик, иш дафтари, ўқитувчи учун методик қўлланма ва мультимедиали иловалардан иборат тарзда яратилмоқда. Аммо натижа ижобий томон силжиди, дея олмаймиз.

> **ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ҲАР ДОИМ ТАКОМИЛЛАШИБ КЕЛГАН. НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА, БАЛКИ БОШҚА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ҲАМ ШУНДАЙ ҲОЛАТ КУЗАТИЛАДИ. БИЗДА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ 2013 ЙИЛДА БИРИНЧИ ҚАДАМДА ЧЕТ ТИЛЛАР БЎЙИЧА, КЕЙИН БАРЧА УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЯНГИЛАНДИ. 2017 ЙИЛГА КЕЛИБ 9 ЙИЛЛИК ТАЪЛИМДАН 11 ЙИЛЛИК ТАЪЛИМГА ЎТИЛИШИ ҲИСОБИГА ЯНА ЎЗГАРИШЛАР КУЗАТИЛДИ.**

Ҳар бир фандан дарслик билан бирга ўқитувчи учун ишлаб чиқилаётган методик қўлланмалардан барча педагоглар ҳам бирдек самарали фойдаланмаяпти. Айрим ҳолларда янги методикалар билан ишлашга ўргатадиган ўқув-семинарлар етарлича ташкил этилмади. Ўқитувчилар малакасини оширишдаги ўзгаришлар ҳам ёрдам бериш ўрнига муаллимларни дангаса қилиб қўя бошлади. Методистлар фанлар кесимида ўқувчилар ўзлаштиришидаги бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган методик тавсияларни етарли даражада бермаяпти. Илгари ҳар бир туман (шаҳар)да, вилоят халқ таълими бошқармаларида фан методистлари фаолият олиб борган бўлса, бугун улар сони анча камайган. Фақат вилоят педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари тузилмасидаги методик хизмат кўрсатиш бўлимларида биттадан фан методисти штати мавжуд, холос. Бугун вазирлик ушбу лавозимлар учун эълонлар берган ва энг тажрибали мутахассислар фан методистлигига саралаб олинмоқда. Натижада янги ўқув йили олдидан ўқитувчилар форумини мазкур саралаб олинадиган фан методистлари ёрдамида амалга ошириш режалаштирилган. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ўқув жараёнини методик таъминлаш ва дарсликлар бошқармаси мазкур вазифаларни амалга оширишда маҳаллий ва хорижий экспертлар билан яқиндан ишламоқда.

### Ким ўқитади?

Ким ўқитади, деган савол ўқитувчилар ва уларнинг салоҳияти билан боғлиқ. Тугалланган ўқув йилида ҳукуматга қарашли 10 минг 104 мактабда 6,3 миллион нафар ўқувчига 509 минг 443 ўқитувчи дарс берди. Шундан 224 минг 384 нафари тоифага эга эмас; 41 минг 814 нафари олий тоифали, 96 минг 245 нафар биринчи тоифали ва 147 минги иккинчи тоифали ўқитувчилардир. Таҳлилларга кўра, уларнинг 46 фоизи дарс жараёнида замонавий методикаларни қўлламайди; 38 фоиз педагог тажрибасиз, 52 фоизи анъанавий усулда дарс ўтади. Қолаверса, ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб 16 та педагогик йўналишдаги педагогик олий таълим муасссаларидан ёш битирувчи мактабларга кириб келади.

Ушбу рақамлар ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш борасида талайгина вазифалар турганини кўрсатади. Шу боис, янги ўқув йилидан бошлаб биринчи марта ишга қабул қилинган муаллимлар бир йил муддат стажёр-ўқитувчи сифатида фаолият юритиши, педагогларни касбий сертификатлаш тизими жорий этилиши белгиланди. Педагог кадрларнинг малака талаблари халқаро тажрибалар асосида такомиллаштирилади.

Янги ўқув йили олдидан мактаблар, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар учун ҳам таълим мазмунига қаратилган янгиликлар бисёр. Уларни сифатли ташкил этиш устида вазирлик томонидан режали ишлар олиб борилмоқда. Бу улкан вазифаларни тизимли амалга ошириш ва самарадорлигига эришиш мутасаддилар ҳамда таълим жараёни иштирокчиларига боғлиқ. Асосийси, мазмунга боғлиқ янгиликлар таълим тизимининг ривожига, ўқитиш ва ўрганиш жараёнининг сифатига ижобий таъсир этади, деган умиддамиз.

ИЗҲОР

# Ўзбекистон кучаймоқда



Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

*Ҳар шаҳру кент бугун обод боғу бўстон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*
*Дунё давлатлари дейди: Донғи достон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Аввал бошда сал менсимай қарашганди,*
*Кимлар — қилич, кимлар-чи, тиш қайрашганди,*
*“Қайғача ҳам борарди” деб сайрашганди,*
*Қарға, тўти бўлиб роса яйрашганди.*
*Пуфаклардай пучаймоқда игво, бўҳтон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Миллатларнинг бирлашган ташкилотида,*
*Давлатларнинг ҳар мажлис-машғулотида,*
*Ўзбекистон: “Жафокаш халқ афғон” дейди,*
*“Неча йиллар чекмиш оҳу фиғон” дейди.*
*Айтадирки: темир йўллар олиб борай,*
*Уйларингга симёғочлар тортиб борай.*
*Биргалашиб тўлдирайлик камин, дейди,*
*Ўз уйида ўзгаларнинг ғамин ейди.*
*Неки инсонпарварликдир — куйдириб жон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Бир чиройли янграр тонгда азонларинг,*
*Оятлардан нур таратган айвонларинг.*
*Ўттиз йиллардан сўнг, мана, Қатар келди,*
*Арбоблари лайлаклардай қатор келди.*
*Бизнинг элга бу миллатнинг ихлоси бор,*
*Уйларида Бухорийнинг мероси бор.*
*Амир ўзи дарахт экди Самарқандда,*
*Ер юзини карахт этди Самарқандда.*
*Шердор айтсин, Шоҳизинда ё Регистон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Эй, оламга Дантеларни берган диёр,*
*Петраркани туғиб кўкрак керган диёр.*
*Ҳар ғиштинг, ҳар салобатли устунингда,*
*Даҳоларнинг емирилмас номлари бор.*
*“Бобурнома” билан келдик забт этгали,*
*Чин юракдан, чин дилдан суҳбат этгали.*

*Ҳар неки бор бунда бари тантанавор,*
*Италия, шонли диёр, шонли диёр!*
*Замонавий афсонага ўхшамоқда,*
*Қадимий Рим ўзи гилам тўшамоқда,*
*Румога ҳам кириб келган улуғ карвон —*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Бордир аммо кўнгли бизга ғаш давлатлар,*
*Бизни ҳасад қилгувчи бадрашк давлатлар.*
*Йўқ бўлсанг гар — сариқ чақа беролмайди,*
*Бор бўлсанг гар — кўролмайди, кўролмайди.*
*Бизнинг ҳеч бир мамлакатдан гинамиз йўқ,*
*Тегадиган суқимиз ё киннамиз йўқ.*
*Бир майизни қирққа бўлиб еган халқмиз —*
*Кўзимиз тўқ. Ўзимиз тўқ. Кўнглимиз тўқ.*
*Жаҳолат ҳам охир топгай ниҳоялар —*
*Эзгуликка хизмат қилсин пок ғоялар.*
*Ер юзини эгалламай ҳасад, риё,*
*Ҳамкорликни кучайтирсин сармоялар.*
*Ким ўкраяр, кимлар эса лолу ҳайрон:*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Ўзбек деса, борлиғини берган оғам,*
*Иззат қилмиш олижаноб зот Эрдоған.*
*Гарчи олам турфа фикру ўйловлидир,*
*Улуғ зотлар олам аро сийловлидир.*
*Вақт ўзи девонларин сандиқлайди,*
*Юнус Эмро ҳазратлари тасдиқлайди.*

*Бу оламга қанча улуғ хитоб берган,*
*Қанча илму ирфон, қанча китоб берган.*
*Айтмангизким, куч — уруғда, куч — аймоқда,*
*“Ота юртим” деган эллар кўпаймоқда,*
*Китоб билан оламни забт этмиш чунон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Дунё кезмоқ — шунчаки бир сайру гаштмас,*
*Тамошо ё борди-келди деган гапмас.*
*Улуғ зотлар бекор айтмас, бекор айтмас:*
*Ислоҳотлар ортга қайтмас, ортга қайтмас!*
*Ўзбекистон, боғу бўстон, боғу бўстон,*
*Кундан-кунга донғи достон, донғи достон.*
*Олмониё, Мажористон, Фарангистон —*
*Етти иқлим давлатлари сенга меҳмон,*
*Ўзбекистон, бағри осмон танти мезбон.*
*Бу бир чўпчак эмас ва ё жумбоқ-чистон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*Ўйламангким, мен йўқ гапни бор айладим,*
*Мен бор-йўғи кўнглимни изҳор айладим.*
*Байроқларинг бир жонажон ҳилпирайди,*
*Жону дилим жимирлайди, жимирлайди.*
*Бир имзонгда қанча ору, қанча ғурур,*
*Она юртим, қаддингни кер, қандингни ур!*
*Чиқиб келдинг не-не мудҳиш замонлардан,*
*Худо Ўзи паноҳ берсин ёмонлардан!*
*Юзга кирган оналарнинг дуолари қўшилмоқда,*
*Асрий орзу-армонларинг ушалмоқда,*
*Ўзинг букун мардлар аро марди майдон,*
*Ўзбекистон кучаймоқда, Ўзбекистон.*

*11.06 – 9.07.2023*

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ФЕСТИВАЛЬ

# Қадимий Қўқон
## яна бир нуфузли тадбирга мезбон

**Жаҳон ҳунармандлар фестивалига мезбонлик сабаб Қўқон шаҳри кўплаб чет эллик сайёҳларда янада катта қизиқиш уйғота бошлади. Дастлабки фестиваль доирасидаги биргина “Риштон мовий афсонаси” кўргазмасида кулолликнинг 800 хилдан ортиқ нодир кўринишлари намойиш қилинган, тарихий зиёратгоҳлари, ҳунармандлигию миллий либослари, урф-одат ва қадриятлари, айниқса, халқ оғзаки ижоди тараннум этилганди.**



Президентимизнинг 2022 йил 29 июлдаги “Туркий давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда Фарғона вилояти ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Халқаро туркий маданият ташкилоти — ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда Қўқон шаҳрида илк бор Туркий тилли ёшлар фестивали ўтказилмоқда.

Фестиваль ёш авлоднинг халқларимиз тарихи ва миллий-маданий меросига меҳрини ошириш, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо давлатлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни тарғиб қилиш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, туризм соҳасига кенг жалб этиш, истиқболли ғоя ва лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилди.

11 июль куни тантанали очилган тадбирда фестивални ҳар икки йилда ўтказиб туриш белгилангани эслатиб ўтилди.

Фестиваль иштирокчилари 3 кун давомида китобхонлик куни, миллий ва этноспорт турлари бўйича мусобақалар, маданий-кўнгилочар тадбирлар, ёшлар учун бизнесни ташкил қилиш, ҳунармандлик маҳсулотларини тайёрлаш бўйича давра суҳбатлари иштирокчиси ҳамда гувоҳи бўлишади. Бундан ташқари, ёшлар таниқли театр ва кино ижодкорлари билан ижодий мулоқотлар қилиши, мамлакатимиздаги хорижий элчихоналар вакиллари билан учрашувлар ўтказиши кўзда тутилган. Туркий тилли ёшларнинг дўстлик кечаси, Қўқон шаҳридаги диққатга сазовор жойларга саёҳат, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси, Риштондаги халқаро кулоллик маркази ҳамда Учкўприк туманидаги “Меҳригиё” кичик корхонасининг лаванда боғларига ташриф ёшларда унутилмас таассурот қолдиришига шубҳа йўқ.

Дарвоқе, фестивалга юртимизнинг барча ҳудудларидан, шунингдек, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Туркиядан жами 200 нафардан зиёд фаол ёш ва талаба таклиф этилган.

Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари Хуршид Аҳмедовнинг айтишича, очиқ мулоқот руҳида ўтказилаётган тадбирлар давомида ёшларимиз қардош мамлакатлардан келган тенгдошлари билан ҳамкорликда кейинги фаолияти учун муҳим бўлган ғоя ва лойиҳалар борасида фикр алмашмоқда. Бунинг учун B2B форматда учрашувлар ташкил этиляпти, тадбиркорлик субъектларини таклиф этган ҳолда барча имкониятлар яратиб берилмоқда.

Халқаро фестиваль 15 июль куни шаҳардаги Ўрда майдонида тантанали якунланади.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

СПОРТ

# ЭЪТИБОР БОР ЖОЙДА
## ЮКСАЛИШ БЎЛАДИ



**Сўнгги йилларда юртимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Буни ўзбекистонлик спортчиларнинг жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Олимпиада ҳамда нуфузли халқаро турнирларда эришаётган ютуқларида ҳам кўришимиз мумкин.**



Айниқса, спортнинг яккакураш турлари ёшлар орасида оммалашиб бормоқда. Хусусан, қўл жанги ҳам тез суръатларда ривожланмоқда.

Беллашувларда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатидан етакчи спортчилар иштирок этди. Баҳсларда ўзбекнинг мард ўғлонлари ҳам муносиб қатнашиб, мухлисларни хушнуд қилди. Хусусан, Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси ходими, сержант Олимжон Нормуродов ўз вазн тоифасида жаҳон чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Олимжон Нормуродов Ўзбекистон кубоги ва чемпионатлари, бир неча халқаро турнирлар ғолиби, 2 карра жаҳон чемпиони ва 2 карра жаҳон кубоги эгаси, қўл жанги бўйича халқаро тоифадаги спорт устасидир. Унинг бу ютуқлари эътироф этилиб, 30 июнь — Ёшлар куни арафасида “Мард ўғлон” давлат мукофоти билан тақдирланди.

— Қўл жанги мураккаб спорт турларидан. Сабаби, қўл ва оёқ зарбалари, йиқитиш ва оғритиш усуллари кўп. Ҳозир бу спорт турига қизиқаётган ва шуғулланаётган ёшлар сони ортиб бормоқда. Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритганим ҳаётимдаги энг катта ютуқларимдан бири бўлди. Турнир давомида тўртта рақиб билан жанг қилдим, ва улар ҳам кучли спортчилар эди. Болаликдан мақсадим жаҳон чемпиони бўлиш, бунга эришиш учун эса бор кучим билан ҳаракат қилдим ва ғалаба қозондим. Қолаверса, ўз Ватанимизда мухлислар ишончини оқладик. Албатта, бунинг учун кўп меҳнат, кучли жисмоний тайёргарлик ва мураббийларнинг тавсияларига қатъий амал қилиш талаб этилади. Давлат мукофоти билан тақдирланганим ота-онам ва устозларимнинг меҳнати самараси, — дейди Олимжон Нормуродов.

Дарҳақиқат, “Мард ўғлон” давлат мукофоти янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган Олимжон Нормуродов каби иқтидорли йигитларга берилади.

— Бу ютуқларим ҳали бошланиши, олдинда улкан орзуларим бор. Аввало, жонажон юртимга хизмат қилиш ва спортда навбатдаги ютуқларни қўлга киритиш олий мақсадим, — дейди қаҳрамонимиз.

Бугунги Ўзбекистон ёшлари шундай ютуқларга қодир. Фикримизнинг яна бир исботи жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган навоийлик Дилдора Раҳматовадир.

“Ҳаракат — бу ҳаёт”, дейди файласуфлардан бири. Мутахассислар эътирофича, болаликдан жисмоний фаолликда ўсиб-улғайган қизларда ўзига ишонч юқори бўлади. Дилдора ҳам гимнастика бўйича кўплаб ютуқларни қўлга киритган.

Дилдорани машғулотлардан кейин кутубхонада учратдик. Спорт билан шуғулланиб, китоб мутолаасини ҳам канда қилмайдиган қаҳрамонимиз илми, тафаккурини мунтазам бойитиб бормоқда.

Бир неча марта Ўзбекистон, икки карра Осиё чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар ғолибаси, XVIII Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳибаси Дилдора Раҳматова айни вақтда ёш йигит-қизларга ҳам гимнастика сирларини ўргатиб келмоқда.

— Бу спорт турини танлашимнинг асосий сабабларидан бири нафислиги ва жозибадорлигидир. Унинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор ва жуда нозик ҳаракатларни ҳам талаб этади. Ҳозир олтмишдан ортиқ ёшга мураббийлик қиляпман. Кутубхона эса севимли масканим ва бўш вақтимни шу ерда ўтказаман. Бадиий китоблар ва Зулфияхоним шеърларини севиб ўқийман, — дейди Дилдора.

Ҳа, юртимизда, хусусан, Навоийда Олимжон ва Дилдора каби иқтидорли йигит-қизлар жуда кўп. Уларнинг давлат мукофотига лойиқ топилгани эса камолот остонасидаги бундай ёшларни порлоқ манзилларга бошлаши, шубҳасиз.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-746.
43927 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 22:10 Топширилди — 23:05